

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ИНШООТЛАРНИ ИШЛАТИШ

Күчли ёғинлар оқибатидаги табиий сел-тошқынлар вақтида сув омборининг барча иншоотларида күчли зўриқиш юзага келади. Мазкур зўриқиши камайтириш мақсадида сел-тошқин сувлари Қорадарё үзанига ўтказиб юборилади. Сел-тошқин сувларини ўтказиш асосан сув омборининг сув ташлаш иншооти орқали бошқарилади. Қорадарёда максимал тезлик билан пайдо бўладиган катта миқдордаги оқимнинг келиш эҳтимоли йилнинг апрел-июн ойларида энг юқори ҳисобланади. Сел-тошқин сувларини ўтказишига тайёргарлик ишлари аниқ тадбирлар режаси асосида амалга оширилади. Тадбирлар режаси сел-тошқынларнинг характеристики, вақти, кўлами бўйича аввалдан башорат қилинган маълумотларга асосланган ҳолда тузилади.

Тайёргарлик даврида қўйидаги ишлар бажарилиши лозим:

- иншоотларни таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказиш;
- авария учун материаллар заҳирасини текшириш;
- транспорт ва техника воситалари ҳамда ускуналарини шай ҳолатга келтириш;
- сув омбори бошлиғи билан доимий алоқада бўлиш;
- ҳавфли жойларни тунда ёритишни ташкил қилиш;
- муҳандис-техник ходимлар навбатчилигини ташкил қилиш.
- Сел-тошқин сувлари тугагандан сўнг иншоотларнинг барча бузилган жойларини аниқлаш, тозалаш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилади.
- Таъмирлаш-тиклаш ишлари ўтказилаётган ҳудудлар вақтинчалик чегараланиб тўсиб қўйилади.